

**Мавзу: Ўрта Осиё гидрографияси
фани, мазмуни, ривожланиш тарихи**

Адабиётлар рўйхати

- * 1. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ. Умумий гидрология. – Тошкент, “Университет”, 1995 – 175 бет.
- * 2. З.С. Сирлибоева Ўрта Осиё гидрографияси. Маърузалар матни. – Тошкент : ЎЗМУ, 2000 .- 56 б.
- * 3. Soliev B.K, Azimboev S.A. Hidrologiya va gidrometriya. Darslik. – T. : ToshDAU , 2006. - 235 б.
- * 4. В.Л.Шульц, Р.Машрапов Ўрта Осиё гидрографияси. Ўқув қўлланма.- Т.Ўқитувчи.1969.- 327 б.
- * **Интернет сайтлар:**
- * www.hydrology.bsu.edu.az ;
- * www.tiim.uz/en/view/37;
- * www.geo.uu.nl/hydrology.

Ўрганиладиган муаммолари ва тадқиқот усулларига қараб ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича тарихан вужудга келган масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ ҳолда гидрологиядан унинг бир неча бўлимлари мустақил фан сифатида ажралиб чиққан



Гидрометрия

Гидрография

Гидрологик ҳисоблашлар

Гидрологик башоратлар

Дарё оқимини ростлаш

Гидрография (гидро-сув, графия- таърифлаш) гидрология фанининг бир қисми бўлиб маълум ҳудуддаги сув объектларининг ўзига хос хусусиятларини жойнинг табиий географик шароитига боғлиқ ҳолда ўрганиб, уларнинг гидрологик баёнини тузиш билан шуғулланади. Гидрография (Ўрта Осиё гидрографияси) фанининг мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

Фаннинг мақсад – талабаларга сув манбалари ва табиатдаги сувларнинг тарқалиш қонунларини, жумладан қуруқликдаги сув манбалари, уларда шаклланган гидрографик тармоқларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда Ўрта Осиё гидрографияси, сув объектлари ҳақида умумий назарий билимлар беришдан иборат.

Вазифалари:

- Ўрта Осиё сув ресурсларидан самарали фойдаланишни;
- Ўрта Осиё сув манбалари ва табиатдаги сувларнинг тарқалиш қонунларини;
- гидрографиянинг сув хўжалиги тармоқларининг ривожланишига бевосита таъсирини;
- гидрографиядаги тадқиқот усулларини;
- Ўрта Осиё ҳудудида гидрографик тармоқларнинг тақсимланишини;
- Ўрта Осиё дарёларининг тўйиниш манбалари;
- мавжуд сув ресурсларини ҳисобга олишни, баҳолашни шунингдек, шу мақсадда яратилган усуллардан фойдаланишни ўргатишдан иборат.

Гидрография фанини ривожланиши ҳақида қисқача тарихий маълумотлар

- *-Эрамиздан олдин Мессопотомияда, Мисрда, Хитойда ва Ҳиндистонда: Мисрда Нил дарёси сув сатҳини кўтириб сувни бошқариш имконига эга бўлган, Хитойликлар йиллик сув ҳажмини гидротехника иншоотлари ёрдамида бошқарган;
- *-Ўрта Осиёда Зарафшон ва Мурғоб дарёларида сув ўлчаш кузатувлари олиб борилган;
- *-Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистонда Хоразмда ёмғир сувларини тўплаш, ундан фойдаланиш ишлари олиб борилган, кейинчалик Бузсув, Салар, Эски анҳор, Туятортор каналлари қурилган;
- *-Гидрологик тадқиқотлар Европа ва Россияда давом этган, 1760 йилда М.В. Ломоносов ташаббуси билан дарёларда кузатув ишлари олиб борилган ва вертушкани биринчи конструкцияси ишлаб чиқилган;
- * 1832 йили биринчи гидрографик атлас харитаси ишлаб чиқилган.

суғорма ер дехқончилигини мавжудлиги

Биринчи босқич: Неолитдан бронза охиригача суғоришни лиман усулини ривожлантириш ва сувдан фойдаланишга кўникмалар даври. Бу даврда тоғ олди водийларида ва дарё ўзанини ёзда қуриб қолган жойларида дехқончилик қилинган

Иккинчи босқич: эраמידан III ва IV даврларга оид бўлиб, бунда кичик суғориш тармоқларига ўтиш, сув ҳавза ва кичик тўғонлар барпо этилган

Бўзсув, Солар, Эски анҳор, Туяторттор каналлари (Я.Ғуломов маълумотлари) қурилган.

Сув омборларини қурилиш тарихи

IX-XI асрларда каналларни нивелирлаш асбоблари (Абу Райхон Беруний, «Ўтган авлодлар эсдаликлари») ишлатиб келинган, гидротехник иншоотларни техник ҳолатини кузатиш, сув ўлчаш (Аҳмад ал Фарғоний) ишлари олиб борилган

Нуротада Хонбанди, Абдуллахонбанди сув омборлари ва бошқа бир қанча иншоотлар қурилган

1941-1950 йилларда Каттақўрғон, Касонсой, Қамаши сув омборлари.

1951-1960 йилларда Учқизил, Куюмозар, Дегресс, Тошкент, Чимқўрғон сув омборлари.

1961-1970 йилларда 5та, 1971-1980 йилларда 12 та сув омбори.